*Ўзбек халқининг содиқ фарзандлари*

# УСМОН ЮСУПОВ ВА МИРЗАЧЎЛ

*ОЧЕРК**

Ҳурматли «Қишлоқ ҳақиқати!»

Мен республика газеталарининг 1988 йил 16 октябрь сонларида босилган «Виждон ҳакам бўлиши керак», «Ҳақиқат— ошкоралик мезони» сарлавҳали мақолаларни ўқиб, билсангиз эди, қанчалик қувондим!

«Литературная газета»га адабиёт остонасига қадам қўйганимдан буён обунаман, унда босилган мақолаларни танлаб-танлаб ўқиб бораман. Газетанинг 1988 йил 4 май, 1 июнь сонларида эълон қилинган Усмон Юсупов фаолиятига оид жиддий танқидий фикрлар, унинг шаънига айтилган ҳақоратлар, ростини айтсам, мени, оддий бир журналистни ларзага келтирди. «Наҳотки, наҳотки!» дея ич-ичимдан эзилдим. Менинг кўрганларим ва эшитганларим наҳотки туш бўлса?!

Мен Усмон Юсуповнинг Мирзачўл ҳаётидан бир китобча ёзаётган эдим. Унинг айрим бобларини газета-журналларда эълон ҳам қилиб қўйгандим. Демак мен «Сталиннинг одами» ҳақида ёзган эканман-да, деб куйиндим ва зарда билан қаламимни улоқтириб ташладим. Бир неча ой ўзим билан ўзим олишиб юрдим. Давомини ёзайми ёки ёзмайми, деб ҳардамхаёл бўлдим. Кекса гвардиячиларнинг матбуотдаги мурожаати, уларнинг қалб сўзлари менга олам-олам қувонч ва ижодий қанот бағишлади. Мен ёзишни давом эттирдим. Агар Сизлар лозим кўрсаларингиз, бу ёзувларимни матбуотда эълон қиларсизлар, деган эзгу умиддаман.

МУАЛЛИФ.

> «Менинг орзуим Мирзачўлни, янги ерларни ўзлаштириш эди. Мен буларни ўз қўлим билан амалга ошириш бахтига муяссар бўлдим».
>
> Усмон ЮСУПОВ.

## УНУТИЛМАС ВОҚЕА

Инсон хотираси ҳеч қачон эскирмайди. Вақт ҳам унга ҳокимлик қила олмайди. Хотиралар мангулик кашф этади.

...Мен Усмон Юсуповнинг суратига тикиламан. Унинг юмалоқ юзи, кенг пешонаси, самимият ёғдуси акс этиб турган тим қора кўзлари менга танишдек. Мен уни қаердадир кўрганман. У билан рўбарў келганман. Унинг беғубор, майин жилмайишини кўрганим тайин. Лекин қачон ва қаерда? Хотираларимнинг сўнмас саҳифаларини варақлайман.

1947 йил эди. Июнми ёки июлми, рости гап, аниғи эсимда йўқ. Ўша пайтлари ўн уч ёшда эдим. Зомин райони марказидаги В. И. Ленин номли ўрта мактабнинг олтинчи синфида ўқирдим. Республика пионерлар слётида аълочи ўқувчилар қаторида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Биз Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасига жойлашган пионерлар саройига келиб тушдик: бир ҳафта шу ерда яшадик. Учрашувлар бўлди, концертлар томоша қилдик. Музейларни бориб кўрдик. Ҳаяжонли жойлар, ҳаяжонли соатлар. Ўша кунлари Свердлов номли концерт залимиди, буни аниқ айта олмайман, шу нарса яхши эсимда қолганки, слётда республика партия ва ҳукуматининг раҳбарлари ҳам иштирок этишларини бизга алоҳида таъкидлашди, қўлимизга галстуклар, гулдасталар беришди, биз уларни президиумда ўтирадиган ўртоқларга тақдим этишимиз керак экан.

Қарангки, ўша йилларда бу қадар ҳаяжонланмаган эдим. Орадан мана қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу воқеани ҳозир эсласам, бутун вужудимни ҳаяжон қоплайди. Албатта, у пайтлари ёш бўлганман, учрашувнинг моҳиятига унчалик тушунмаганман.

Тақдиримдан минг ўргилсам арзийди!

Шу куни мен гулдаста ва галстук билан президиумга чиқдим. Бир кишининг рўпарасида пайдо бўлдим. Унинг бўй-бастига эътибор бермагандим. Мени қийнаган нарса шу бўлдики, унинг бўйнига тақмоқчи бўлган галстугимнинг бир учини топа олмай гарангсиб қолдим. Йўғон бўйни менга халақит берарди. Жуда-жуда уялдим. У киши «болам, қўлимга бер, уйимда тақиб оламан» дедилар. Бу гапни мен ва ўзлари эшитдилар, деб ўйлагандим. Аммо залда гулдурос қарсаклар янгради, у одам ҳам галстукни қўлимдан олиб стол устига қўйдилар-да, қарсак чала бошладилар. Ҳамма болалар ўтирган ўртоқларга галстукларни тақиб қўйганлари учун беҳад шод эдилар, фақат мен хурсанд эмасдим.

Шу воқеадан сўнг қанча йиллар ўтди. Ўша бўйнига мен галстук тақмоқчи бўлган киши Усмон Юсупов эканлигини кейинчалик билиб олган эдим.

Бу — мен учун бахт экан!

Республикамизнинг таниқли давлат арбобларидан бири бўлган Усмон Юсупов ўзининг партия ва халқ олдидаги муқаддас бурчини шараф билан бажариш учун бутун куч ва ғайратини аямади. Унинг умр йўли — чинакам коммунистнинг ҳаёт йўлидир. Усмон Юсупов Мирзачўлга қалб амри билан келиб, қақраб ётган чўлда ташкил этилган 4-«Боёвут» совхозига директорлик қилди. Усмон ота чўлни гуллаган водийга айлантириш мумкин эканлигини исботлади. Унинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан бу совхозда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Хўжалик экономикаси анча ўсди. Пахта ҳосили кескин ошди. Шу билан бирга ишчиларнинг турмуш даражаси яхшиланди. Катта боғ-роғлар яратилди. Уларда ўстирилган олма, анор, анжир, цитрус ўсимликлари, атиргуллар, наргис, нилуфарлар ҳозир Мирзачўлнинг ҳар бир бурчагида бор. Халқ унинг меҳнати сингган боғни «Усмон ота боғи» дейди, унинг номини иззат-икром ва эҳтиром билан тилга олади...

* * *

Орадан йиллар, ўн йиллар ўтди. Чўл кезиб юрганимда, чўлқуварлар билан учрашганимда, раҳбарлар ҳақида гап кетгудек бўлса улар Усмон Юсуповнинг номини зўр ҳаяжон, ифтихор билан тилга олар эдилар. Бу эса мени Усмон Юсупов ҳақида нимадир ёзишга ундаб келди.

Мирзачўлликларнинг, айниқса боёвутликларнинг ҳикоялари мени олийжаноб инсон — Усмон Юсуповнинг Мирзачўл ҳаётидан лавҳалар, ҳикоялар ёзишга даъват этди.

## ЯШАСИН ЎЗИНИ АЯМАЙДИГАН КИШИЛАР!

— Совхозимизга Усмон Юсупов директор бўлиб келаётган эмиш.

Бу хабар гўё радио тўлқинида акс садо бергандек 4-«Боёвут» совхози қишлоқларининг ҳар бир хонадонига кириб борди. Биров у деди, биров бу деди. «Ўзини аямай ишлади, халққа меҳнати кўп сингди. Энди каттароқ пенсияни олиб, оёқни узатиб ётса бўларди. Қариган чоғида чўлнинг нимасини ҳавас қилиб қолибди экан?» ёки «Одам ҳаёти — бу гўё темир, ишлатсанг сайқаллашади, ишлатмасанг занг еб қўяди» деган нақлга амал қилиб бу ерга келаяптилар, шекилли» дейдиганлар ҳам бўлди. Хуллас, гаплар турлича, фикрлар ҳар хил. Лекин буларнинг тагида янги директорга нисбатан қандайдир бир муҳаббат учқунлари чўғланиб турардики, буни одамларнинг юзидан, чопа-чоп, югур-югурларидан сезиш қийин эмасди.

1955 йилнинг февраль ойи эди ўшанда. Авжи қиш. Пана жойларда қор уюми. Йўллар лой. Ўйдим-чуқурларда кўлмак. Одамлар керза этикда зўрға юрибдилар. Осмон бадқовоқ. Қор бўлиб қормас, ёмғир бўлиб ёмғирмас, гўё талқон қилинган дўл парчалари ерга тушиб этни жунжиктиради. Шунга қарамай, бу ерга тўпланган одамлар уйларига кетишни асло ўйламайдилар.

Савол-жавоб, ғала-ғовур, шов-шувлар авжида. Кимлардир баллон ёқиб исинаяптилар. Аслини олганда ҳеч ким шу ерга тўпланинглар, деб айтмаган. Лекин улар ҳаяжонли бир воқеанинг гувоҳи бўладигандай, нигоҳлари «Булганин» разъезди тарафдан бу ёққа чўзилган нотекис, ночор йўлга қадалган.

— Нимада келадилар?

— Нимада бўларди, енгил машинада.

— Бэ, энди у кишига енгил машина қаёкда дейсиз.

— Бемаъни гапларни айтасизлар-да тилим бор деб. Ахир шу йўлдан енгил машина юра оладими...

— Ана, келаяптилар...

«МАЗ» яқинлашган сари одамларнинг ҳаяжони тобора орта борди. Наҳотки у киши мана шу машинадалар? Ҳа, Усмон Юсупов шу машинада эди. Бошида кўк рангли шапка, эгнида қундузли пальто, кузовда тик турганча икки қўли билан кабина четини ушлаб олган эди.

Машина йўлда сирғаниб, силтаниб одамлар ёнига келиб тўхтади. Ҳамма ҳайрон. Улар нима қилишларини билмайдилар. Усмон Юсупов ҳам ҳайрон: бу одамлар нега тўпланишган? У машина кузовида туриб:

— Салом ўртоқлар! — деди.

Ҳамма қўллари кўксиларида алик олди.

Тўладан келган, шу тўлалиги уни сал думалоқ қилиб кўрсатадиган, аслида тик қоматли бу киши шу гавда билан қандай қилиб машина кузовидан пастга тушиши мумкин? Бунга баъзилар қизиқсиниб, айримлар эса раҳмлари келиб, тушишларига ёрдам берсакмикин, деган хаёлда безовта бўлдилар.

Усмон Юсупов ўзини йўқотмади, қандайдир бир куч топиб, кузов борти устидан бир оёғини ошириб машина ғилдирагига қўйди. Шу пайт кимдир унга қўлини узатди.

— Раҳмат, болам, — деди у.

Сир бой бермаслик — мард одамларга хос фазилат. Ана шундайларда иззат-нафсга тегишли ғурур деган нарса бўлади. Бу ғурур инсоннинг камситилиши ёки оёқости бўлишига асло йўл қўймайди.

Усмон Юсупов халойиққа қараб мурожаат қилди:

— Азиз дўстларим, сизлар бу ерга нега тўпланганларингни билмай турибман.

— Сизни кутиб олишга тўплангандик,—деди кимдир.

— Раҳмат, миннатдорман, — деди ота босиқ овоз билан. — Ортиқча овора бўлибсизлар-да. Ҳа, майли. Энди гап бундоқ, ўртоқлар. Мен коммунистман, партия мени сизлар билан ишлашга юборди. Сизларга ўргатиб, сизлардан ўрганиб; сизлар билан бирга ишламоқчиман.

— Раҳмат сизга!

— Ҳали «раҳмат»га яраша иш қилганимча йўқ.

— Сизнинг келишингизни эшитиб бошимиз осмонга етди.

— Осмонга дейсизми? Энди сал пастга тушишга тўғри келади, — ўзига ярашиқли табассум қилди у ва қўшиб қўйди: — Мен совхозларингизни биламан, бу ерда қаттиқ ишлаш керак. Тузатиш эмас, ҳамма нарсани қайтадан бошлаш зарур.

Усмон Юсуповда бундай фикр азалдан бор эди. Аммо бошқа ишлар бу ниятнинг этагидан маҳкам ушлаб олиб, унинг орқасидан елиб-югуришига имкон бермаганди. Энди пайт келди, директорлик вазифаси ҳам шуни тақозо этади. Ҳар қанча вақтни, ҳар қанча кучни Мирзачўл учун, ҳа, шу чўл учун сарфлаш фурсати етган эди.

— Қани энди идорага борайлик. Қолган гапларни ўша ерда давом эттирамиз.

Шундай қилиб гап давом этди, иш бошланди.

Усмон Юсупов, бир сўз билан айтганда, бу ерда қаттиқ ишлади. Совхоз далаларини шўр босиб кетган эди... 40 фойиз ер ўртача босқичда 2—3 балл, 60 фойиз ер эса 4—5 баллни ташкил қилган юқори даражада шўрланган эди. Ерлар пасту баланд, ботқоқлик. Бунинг устига Бекобод шамоли хуруж билан ўтади, ердаги намни супуриб кетади. Чигит экиш пайти сал бепарволик қилинса, ерда нам бор чоғида тезроқ экиб олинмаса, кейин минг пушаймондан заррача фойда йўқ. Чигитни энг қисқа муддатларда экиб олиш бу ернинг шароитида ҳам фарз, ҳам қарз эди. Бунинг устига ишловчи ва яшовчилар учун шарт-шароит яратишдек ғоят мураккаб вазифа ҳам бор эди.

Совхоздагиларнинг атиги ўн етти проценти уй-жой билан таъминланган. Қолганлари электр чироғисиз, ертўлалардами, қамиш кападами истиқомат қилишарди. Йўллар, эҳ, бу йўллар нақадар сермашаққат! Ёзда чанг-тўзондан кўз очиб бўлмасди, қишда эса, сал муболаға билан айтганда, одамнинг ўзини айрим жойларда трактор билан тортиб чиқаришга тўғри келарди. Одамларни айтмайсизми: бу ерда чўл ўзлаштириб, эл-юртга нафимиз тегсин, деганлар ҳам, у-бу нарса orттирай деганлар ҳам йўқ эмас, катта-кичик жиноятни қилиб чўлда яшириниб юрайлик деганлар ҳам бор. Хуллас, турли тақдир, турли истак, турли табиатдаги одамлар.

Усмон Юсупов совхоз кўчаларини кезди, хонадонларда бўлди, одамларнинг ташвиш ва қувончларини кўрди, ҳамма билан фикр алмашди, уларнинг орзу-ҳавасини билди. Совхозда аҳвол у ўйлагани ва кутганидан ҳам мушкулроқ экан. Бу ерда ҳамма нарсани қайтадан кўриш керак. Бу унинг қўлидан келармикан, соғлиғи халақит бермасмикин? Руҳиятидаги ўзгаришлар хўжаликни бошқаришга салбий таъсир қилмасмикин? «Усмон, сен тириксан, азизим, ўтган кунларни унут. Келажак ҳақида фикр юрит, ўйла, ўзингда куч топ. Бу куч эл-юртга наф келтирсин. Чўл қувгани келган бу одамларнинг бахтли бўлишларига ҳақлари йўқми? Бор, ҳа, бор. Сен бу олийжаноб ишга бош-қош бўл».

Турли ўй-хаёл ўровида ўйдим-чуқур кўчадан керза этикда зўрға юриб борар экан, рўпарасидан эшак минган бир мўйсафид чиқиб, унинг фикрини бўлди. Мўйсафид салом берди. Усмон Юсупов алик олди. Негадир бу чолнинг овози танишга ўхшайди. Қўл силтаб уни тўхтатди, иссиқ кўришди.

— Мен сизни қаердадир кўрганга ўхшайман, отахон, — деди Юсупов, —кўзимга ўтдек кўринаяпсиз?

— Яхшилаб қарасангиз эсингизга тушади, — деди мўйсафид самимий жилмайиб.

— Сангирполвон эмасмисиз?

— Худди ўзи...

—Эшакдан туш, қайта кўришайлик қучоқлашиб.

— Тушолмайман, оёғим...

— Оёғим дейсанми, оёғинг тузалмадими?

— Ўшанда қаттиқ совуқ урган экан.

— Ҳа, совуқ қаттиқ бўлган эди, — деди Усмон ота...

Ҳар иккиси бир-бирларига ҳеч бир калимасиз тикилиб қолди. Хаёл оти уларни ўтмишга етаклаганди.

Улуғ Ватан уруши йиллари. Фарҳод ГЭСи қурилиши давом этарди. Канал қазилмоқда эди. Бир куни иш бошида йиғилиш бўлди. Унда Марказий Комитет секретари Усмон Юсупов ҳам иштирок этди.

— Мен, — деди йиғилишда сўз олган Сангирполвон Эралиев, — каналда ишлаётган ҳар бир кишини яккама-якка мусобақага чақираман.

— Бу полвонни қувватлаш керак, — деди Юсупов хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, Сангирполвон қишда ҳам, ёзда ҳам ярим кечагача ишлади. Кундузи озгина ухлайди. Тушликка чиқмайди. Нонни қўлтиқлаб олади. Катта шолиқопда 2 центнер 15 кило тупроқни кўтаради. Йигирма метр баландликка чиқариб ташлайди.

У оёғини совуқ урганини сезмай қолибди. (Тизза баробар қор эди ўшанда). Усмон Юсупов бир куни «Нега оқсаяпсан?» деди. «Оёғимни совуқ урганга ўхшайди», — жавоб берди Полвон. «Касалхонага бор». «Мен ҳаммани, белида белбоғи, бошида дўпписи бор одамни мусобақага чақирган эдим. Бу мусобақада йиқилсам бошимга рўмол ўрашга тўғри келади. Ўлигим каналнинг ичида қолса майли, лекин касалхонага бормайман». «Бекор қиласан, бундай ўжарлик сенга қимматга тушиши мумкин. Дўхтирга албатта учраш».

— Ўшанда дўхтирга учрашмаган экансан-да?

— Вақт бўлмаганди.

— Хўш, ҳозир тирикчилик қалай, бирон нарсадан камчилик йўқми?

Сангирполвон нима дейишини билмай қолди. Камчилигим йўқ деса, ёлғон гапирган бўлади. Уй-жойининг тайини йўқ, бола-чақаси билан капада ётиб юрибди. Камчилигим бор деса, худди шикоят қилгандай туюлади. Ҳаётида сира шикоят қилмаган, қолаверса қийинчиликка доим бардош берган полвонга бу арзу дод ярашмайди. Усмон Юсупов полвоннинг жим қолишидан бир нарсани пайқади шекилли, сўради:

— Ҳозир йўл бўлсин, полвон?

— Уйга.

— Қани эшакни ҳайданг, биз ҳам орқангиздан юрамиз. Уйингизни бир зиёрат қилайлик.

Полвон яшаб турган уйни кўрган Юсуповнинг ҳафсаласи пир бўлди, жаҳли чиқди. Лекин буни полвонга билдирмади. Идорага қайтиб келиб, қурилиш бригадаси бошлиғини суриштириб топди ва унга Сангирполвонга уй қуриб беришни бугундан бошлаш ҳақида топшириқ берди.

Ахир ҳамма иш қўл кучи билан, кетмон билан бажариладиган пайтда бу одам бизга керак бўлган эди! У бир норма ўрнига ўн олти норма бажариб, инсон қудрати нималарга қодирлигини кўрсата олган, чинакам қаҳрамон эди, афсонавий қаҳрамон эди! Энди ҳеч кимга керак бўлмай қолибди. Йўқ, бунақаси кетмайди, бу инсофдан эмас!

Усмон Юсупов ўзига шундай хитоб қилди.

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Биз боғбон халқмиз. Бу касб бизга аждодларимиздан мерос. Дарахт ҳам табиат мўъжизаси. У инсонга баҳорда яхши кайфият, қувноқлик бағишласа, ёзда салқинлик беради, қишда эса қорнингни тўйдиради.

Усмон Юсупов боғлар, гулзорлар ҳақида кўп гапирарди. Машҳур боғбон Ризамат отани чўлга чақирди. Ота Боёвут районидаги Карл Маркс номли (ҳозирги Ленин номли) колхозда, Усмон Юсупов эса 4-«Боёвут» совхозида боғлар яратишга аҳд этишди. Бу баҳс амалда нималар берганини мирзачўлликлар яхши билишади. Бу боғларнинг мевасини эл-юрт татиб кўрган.

Усмон Юсуповнинг боққа ишқибозлигини бутун республика биларди. У Марказкомга раҳбарлик қилган чоғларида хўжаликларда бўлганида раҳбарлардан «қанча гектарерингиз бор?» деб сўрамасди, балки «қанча гектар боғингиз бор?» деб савол берарди. Дарахтларнинг хосияти ҳақида тўлиб-тошиб гапирарди. Машҳур боғбонлар, жумладан республика президенти Йўлдош ота Охунбобоев ҳаётидан ҳикоялар келтирарди. Бир куни Йўлдош ота водийга сафар чоғида йўл устидаги бир чойхонага кирибди. Чойхоначидан «Район ижроия комитетининг раиси ким?» деб сўрабди. Чойхоначи ўйга толиб «билмайман» маъносида елка қисибди. Шунда ота ёнғоқ тарафга қўл чўзиб: «Бу ёнғоқни ким эккан?» дея савол берибди. Чойхоначи ўйламай-нетмай «бундан ўттиз йил бурун бу ёнғоқни фалончи экkан» деб жавоб қилибди.

1941 йилнинг айни фасли баҳорида Марказкомда бўлиб ўтган бир гурунгда Йўлдош ота шундай деган экан:

— Катта йўллар бўйидаги тол, терак, қайрағочлар ўрнига олма, ўрик, ёнғоқ, гилос, шафтоли, беҳи экилса, колхоз ва совхозларимизнинг дала йўллари четига анжир, анор, ток экилса қувонарли иш бўларди. Ота-боболаримиз кўзинг тўймагунча ўзинг тўймайсан, дейишган.

Усмон Юсупов чўлга ишга келган дастлабки кунларидаёқ боғ ҳақида ўйлай бошлади, одамларни боққа меҳр-муҳаббат қўйиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берди.

1985 йилнинг баҳорида совхознинг ҳурматли кишиларидан бири — Усмон Юсупов билан елкама-елка туриб ишлаган, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер Ҳамро Жумаев (бир йилдан сўнг вафот этди) билан Усмон ота ҳақида суҳбатлашиш мақсадида унинг уйига бордик. У бизни ҳовлида кутиб олди. Турли-туман мевали дарахтлар, ток ишкомлари, гуллар, райҳонлар ҳовлига файз бериб турибди. Ўзимизни жаннатмисол бир чаманзорга кириб қолгандай ҳис қилдик, баҳри-дилимиз шундай очилиб кетдики, мезбон ёнимизда юриб, мевали дарахтлари-ю гулларнинг номлари, экилган йиллари ҳақида ҳикоя қилаётганига ҳам эътибор бермай қўйибмиз. Тезда ўзимизни ўнглаб олдик, Ҳамро Жумаевдан узр сўрадик.

— Ана шу кичик томорқа бизга отадан мерос, — деди мезбон.

Ёши етмишга борган бу ҳурматли киши билан илгари ҳам суҳбатда бўлган эдик: у бир инсон умрига кўплик қиладиган ғам-ташвишли кунларни бошидан кечирган. Унинг болалиги Бухорода ўтди. Ўша ердан жангга кетди. Финляндиянинг шимолий чегараларидан тортиб Карпат тоғигача бўлган жанг майдонларини босиб ўтди. Буюк ғалабадан сўнг чўлга отланди. 1956 йилнинг август ойида 4-«Боёвут» совхозидаги ўрта мактабга директор этиб тайинланди.

— Совхоз партия комитетининг секретари Ҳошим Мирбобоевга йўлиқдим. Ўшанда у совхоз директори Усмон Юсупов билан учрашиш лозимлигини айтди. Шунда мени қаттиқ ҳаяжон босди. Ахир Усмон Юсупов ҳазилакам киши эмас. Унинг олдида ўзимни қандай тутишим керак? Партком секретари билан директор кабинетига қараб борар эканман, шу ҳақда ўйлайман.

Усмон Юсупов оғир кафтларини тиззасига қўйиб, биров билан суҳбатлашиб ўтирарди...

— Қаерлик бўласан, ўғлим? — сўради Усмон ота. — У «ўғлим», «қизим» деган сўзни кўп ишлатарди. Расмиятчилик тарафдори бўлган бир кишига у шундай деган:

— Сен ўз фарзандингни қандай чақирасан? Фамилиясини айтиб чақирасанми? Ахир буларнинг ҳаммаси менинг фарзандларим, мен уларга отаман.

Усмон Юсупов саволига Ҳамро Жумаев иймаиб жавоб қилди:

— Бухороданман, Қоракўл районидан.

— Жуда яхши, Худойқул Раҳматовни танийсанми?

— Ҳа, танийман.

— Яхши раис, ташкилотчи, пахта устаси. Нима, раисликдан олибдиларми? У кишини ҳам бу чўлга олиб келмайсанми? Яхши иш бўларди. Шундай одамлар керак бизга.

— Уриниб кўраман, — деди Ҳамро Жумаев.

Усмон Юсупов партком секретарига мурожаат қилди:

— Бу кишига уй топ, ҳар қандай шароитда ҳам муаллимга бошпана беришимиз керак. Ўқитувчи — болалар тарбиячиси, болалар эса бизнинг келажагимиз. Ҳозир сиз билан бир ерга борамиз, — деди Усмон Юсупов, — комсомол тўйига. Комсомол комитетининг секретари Болтабой Маматқулов уйланаяпти.

Тўйда Усмон Юсупов ўтирганларга қараб шундай бир гапни айтди:

— Азизларим, сизлардан битта илтимос бор: дарахт ўтқазиш, ўтқазиш ва ўтқазиш керак. Ўзбек олмаси, олхўриси, шафтолиси, узумини кутаётганлар буюк мамлакатимизда кўп. Буюк мамлакат учун буюк ишларни қилайлик, азизларим! Дарахтнинг меваси бўлмаса соясига ҳам раҳмат дейишади одамлар.

Ҳамро Жумаев бир воқеани сира унутмайди. Йиғим-терим палласи эди. Усмон Юсупов яшаётган уй (бу уй ҳозир совхознинг Шуҳрат музейи) этагида пахтазор ястаниб ётарди. Идора ҳовлиси сим билан ўралган эди. Пайкалда мактаб ўқувчилари пахта терардилар. Усмон Юсупов улар тарафга оҳиста қадам ташлаб борди. Симтўрни кўтариб, «ҳорманглар, болаларим» деди. Кейин ўқитувчиларни «бу ёққа ўтинглар» деб илтимос қилди. Мактаб директори Жумаев ва ўқитувчилар пайкалдан ҳовлига ўтишди. «Юля, чой олиб кел» деб хотинига баланд овозда мурожаат қилди.

Юля Леонидовна чой, асал, нон олиб келиб дастурхон ёзди.

— Қани марҳамат, олиб ўтиринглар, — дея меҳмонларга мезбонлик қилди, кейин мактаб директоридан:

— Сен агитатормисан? — деб сўради. Ҳамро Жумаев тўсатдан берилган бу саволга тезда жавоб тополмади. Нима дейишга ҳайрон. Агитаторман дегудек бўлса, Усмон Юсупов уни қатор саволларга тутиши мумкин, жавоб беролмаса «сен мактаб директоримисан ҳали?» дейиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Жумаев беихтиёр:

— Ҳа, мен агитаторман, — деб юборади.

— Агитатор, билсанг агар, — деди Усмон Юсупов, — яхши кийиниши, китобларни кўп ўқиши, билимли бўлиши билан агитатор бўлолмайди. Уйингда огородинг борми?

— Бор, Усмон ота.

— Нечта дарахт экkансан?

Ҳамро Жумаев мулзам бўлиб, индамай қолди.

— Жим бўлишингга қараганда бирорта дарахт экмагансан. Биласанми, кимки томорқасига дарахт ўтқазса, шу дарахтни фарзандидай севиб қолади. Ким ўз фарзандини ташлаб кетади дейсан! Фақат виждонсизлар. Бизда эса виждонсиз, ноинсоф одамлар шолидан чиққан курмакка ўхшаш яккам-дуккам. Агарки сен дарахтни ўз қўлинг билан ўтқазган бўлсанг, албатта кўчиб кетмайсан. Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, одам ҳам бир ерда қарор топса камол топади, умри мазмунли бўлади.

Бу гап Ҳамро Жумаевга қаттиқ таъсир қилган эди. Унга қолса ҳозир, шу дақиқаларнинг ўзида ўрнидан ирғиб туриб кўчат излашга тушар, дарров томорқасига олиб келиб ўтқазарди. Афсуски, ҳозир август ойи, бунинг иложи йўқ. Лекин бу орзу унинг юраги тубида жойлашиб олган эди. Шу сабаб бўлиб, Ҳамро Жумаев томорқа қилди, дарахт ўтқазди, токзор бунёд этди. Қўшнилар эса ундан ўрнак олиб, шўр босган ерларни жаннатмакон бир бўстонга айлантирдилар.

— Қўшниларим кейинчалик мендан ҳам ўзиб кетишди, — дейди Ҳамро ака. — Бу агитациянинг, яъни тил билан эмас, куч билан, қўл билан қилинган агитациянинг таъсири эди.

Болалар, демакки келажак авлод ҳақида ғамхўрлик, меҳрибонлик Усмон Юсупов фаолиятида алоҳида бир ўрин тутарди. Марказкомга раҳбарлик қилган чоғларида ҳам, бошқа вазифаларда ишлаган пайтларида ҳам биз бу ўринни Усмон Юсупов ҳаётининг олтин саҳифаларига тенглаштиргимиз келади.

Ҳамро Жумаев суҳбат чоғида Жўра Турсуновнинг номини тилга олди.

—Жўра Турсунов Мирзачўлда Усмон ота билан ёнма-ён ишлаган. Агар хоҳишлари бўлса у кишининг олдига борамиз. — Ҳамро Жумаев ҳовлисида турган «Жигули»га ишора қилди.

Машинамиз бир чақиримча юргач, чапга бурилдик, сўнг икки табақали очиқ дарвоза олдига келиб тўхтадик.

— Шу уй. Бир ўғли инженер. Эски «ЗИМ»ни янги қилиб юборди, азамат. Ота — бахтли ота. Саккиз фарзанди бор. Ҳаммаси эсли-ҳушли, уйли-жойли. Чолу кампир тўнғичи Тельман билан туришади.

Ота бизни илиқ кутиб олди. Суҳбат қизиди. Жўра Турсунов ўтмишдаги воқеаларни гўё кеча бўлгандек гоҳ қувониб, гоҳ изтиробга тушиб ҳикоя қилди. Етмиш олтига кирганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ёшда тарихни варақлаш, йилларни, одамларнинг номларини эслаб қолиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. У эса яхши эслайди. Шошмай гапиради. Гоҳида оғзидан сўз ўрнига ҳуштак овози чиққанини ўзи ҳам сезмай қолади. Қарилик юзига, кўзига, ҳар бир ҳаракатига из солгани шундоққина сезилиб турган бўлса ҳам ўзини тетик тутади, гапларидан адашмасликка уринади.

Ота асли журналист. 1931 йилда Ўзбекистон коммунистик мактабини тамомлагач, «Ёш ленинчи» газетасида Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Насрулло Охундий каби адиблар билан бирга ишлаган. 1939 йилда ташкил этилган «Ўзбекистон физкультурачиси» редакциясига раҳбарлик қилди. Уруш йиллари «Хоразм ҳақиқати» область газетасига муҳаррир бўлди. 1946 йилда 1-«Боёвут» совхози партия комитетига секретарь этиб сайланди. Шундан буён Жўра Турсунов чўлда. У Киров номли каналнинг қайта қуришда ҳам фаол қатнашди. Ўша йиллари Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

— Мирзачўлда энг тўнғич хўжалик — ҳозирги 1-«Боёвут» совхози, — ҳикоя қилади Жўра ота. — Уни Усмон Юсупов «Дарға» совхози деб атарди. Мясников деган киши узоқ йиллар директорлик қилди. Эсимда: 1948 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Усмон Юсупов бу совхозга ғўзаларни парвариш қилаётган чоғимизда келиб қолди. Директорга қараб шундай деди: «Бу — улуғ Ленин декрети билан тузилган қалдирғоч совхоз. Унинг эшиги ғарбга очилган. Ғарбда эса бўз минглаб гектарни ташкил этади. Ўша ерларда бунёдга келадиган янги совхозларнинг дарғаси 1-«Боёвут» бўлади».

Усмон Юсуповнинг айтгани келди. Совхоз йил сайин юксалди. 1949 йилда ерлари қумлоқ бўлиб ётган Султонҳовуз қирғоғидан янги бўлим очдик. Тажрибали деҳқон Бобоқул Умрзоқов бошқарувчи этиб тайинланди. Яна бир нарса эсимда: ўша жинғилзорни текислаётганимизда илонлар тўдасига учрадик. Катта-катта эчкиэмарлардан тўрттасини Тошкент зоопаркига совға ҳам қилганмиз. Шу хўжалик тўғрисида яна бир нарса ёдимга тушди: совхоз ўша йиллари наслдор отлари билан ном чиқарганди. Бу ишда бош зоотехник Самсоновнинг хизмати катта эди. Рим ва Ашонки отлари 1947—1948 йилларда Тошкент ипподромида республика мусобақасида биринчи ўринлар соврindoри бўлган. Йилнинг май ва ноябрь ойларида, яъни байрам кунлари совхознинг ўзида ҳам отчопар ўтказиларди. Афсус, ўша отларнинг зоти сақланиб қолмади.

Мен яқинда Жўра Турсуновдан хат олдим.

«Ўртоқ Турғун Жамолов!

Сиз Усмон Юсуповнинг Мирзачўл ҳаётидан очерк ёзиш ниятида юрганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлган эдим. Шу очеркка қуйидаги воқеаларни ҳам қўшиб қўйишингизни сўрайман.

...Усмон Юсупов бу ерга келган кундан бошлаб ишни совхозни ободонлаштиришдан бошлади. Хўжаликни йўлсизликдан халос қилиш, боғ-роғлар яратиш, соя-салқин оромгоҳлар бўлиши учун сада қайрағочлар, терак, толлар, дуб дарахтлари ўтказишни ҳар куни, ҳар соат тавсия этди. Халқимиз Усмон ака ўгитларига қаттиқ амал қилиб, хонадонларда мевали дарахтлар эка бошлади. Узум, турли нав мевали дарахтларни аҳолига ўз қўли билан олиб бориб тарқатди, кўкартириш шартларини пухталаб тушунтирди.

Шундай қилиб оппоқ шўр бўлиб ётган ерларда икки-уч йил мобайнида мевали дарахтлар, иҳотазорлар мавж уриб, ҳовли-жойлар, далалар, йўл атрофларига ҳусн киритди.

Ўшанда совхоз йўллари хароб эди. Бир куни «Голодностепстрой» бошлиғи Акоп Абрамович Саркисов келиб, бўлимларни айланмоқчи бўлди. Усмон ака йўлни 5-бўлимдан бошлади. Бизнинг машинамиз лойга ботиб, ундан бир амаллаб чиқиб базўр борарди. Саркисовнинг ЗИМ машинаси ярим йўлда қолиб кетувди, трактор келтириб чиқаришди.

Шунда Усмон ота Саркисовга: «Мана кўрдингми, йўл йўқ. Бизга ёрдам бер, шу бўлимга йўл солиб бер», деб илтимос қилди. Саркисов бир ҳафтага қолмай йўл қурилиши учун керакли ҳамма техникани ташлади. Олти километр ерни бир ярим метр тупроқ билан кўтариб, бир ярим ойда шағал ҳам тўкиб, тош йўл солиб берди.

Уй-жой масаласи жуда оғир эди. Одамлар ертўлаларда ҳам яшар эдилар. Бор уйлар эса захлаб кетганди. 120 кишидан иборат қурилиш отряди ташкил этилди. Юқори ташкилотларга мурожаат қилинди. Шундан сўнг совхозга тахта, ғишт, цемент, ёғоч кела бошлади. Совхозлар министрлиги, айниқса қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Кичанов яқиндан ёрдам берди.

Ўша йилларда бу ернинг одамлари безгак касалидан кўп азият чекардилар. Кечқурунлари пашша кўз очирмасди. Қайси хонадонга кирманг икки-уч киши, айниқса гўдаклар безгак билан бетоб бўлиб ётарди.

Бир кун Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ Алимов келиб қолди. Усмон ака уларни пашша қийнайдиган вақтгача атайлаб сақлаб турди. Уйида меҳмон қилди. Кун ботар олдида Алимовни ва ҳамроҳларини пашша шундай таладики, меҳмонлар тезроқ жўнашга тушиб қолишди.

— Пашша безгак касалини тарқатувчи бир манба. Халқимиз жуда ҳам қийналган. Шу касал туфайли нохуш воқеалар ҳам юз бераяпти. Бизга ёрдам қилмасаларинг бўлмайди, — деди Усмон ота.

Икки кун ўтар-ўтмас Тошкентдан санитария ходимлари келишди. Усмон Юсупович тадбиркорлик қилиб, бу меҳмонларни ҳам кечки овқатга таклиф этди. Уларни ҳам пашша роса талади. Врачлар безгакка қарши курашиш учун энг аввало пашшани йўқотиш зарурлигини тушундилар.

Шундай қилиб, пашшага қарши кураш бошланди. Алоҳида одамлар берилди. Самолёт билан дори сепилди. Бундай ишлар фақат мазкур совхозда эмас, қўшни хўжаликларда ҳам амалга оширилибди. Усмон аканинг халқ ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги туфайли одамлар безгакдан бутунлай халос бўлдилар.

Усмон Юсуповнинг парвози баланд эди. У жуда узоқни кўзлар, фикрининг қамрови кенг эди. Ўша кунларда шундай гап пайдо бўлди: Болгариядан ўз малакасини ошириш учун кўп кишилар келишаркан. Шунда Усмон Юсупович бизнинг совхозга ҳам улардан берилишини сўраб республика раҳбарларига мурожаат қилди. Сўровга мувофиқ 150 киши келадиган бўлди.

Мен ўшанда директор ўринбосари эдим. Усмон акага «Бизда жой йўқ-ку, уларни қаерга жойлаштирамиз?» дедим. У киши «Болгариялик биродарлар учун финский уйлар тайёрланган, бу уйларни бизга ҳам беришади, уларни қуриш осон», деб жавоб қилди.

Ҳақиқатан ҳам тез орада 18 та финский уй ва қурувчи усталар, пойдевор учун керакли материаллар кела бошлади. Уч ой ичида ҳар бири тўрт хўжаликка мослаштирилган уйлар битказилди. Меҳмонларни кутиб олишга ҳамма нарса тайёр эди.

Болгарлар асосан ёшлар эдилар. Уларни ихтисос бўйича ўқитишга киришдик. Кечки курслар ташкил этилди. Улар пахта етиштириш сирларини ўргандилар, биз билан ака-укадек қадрдон бўлиб кетдилар.

Болгарларни жўнатиш катта тантанага айланди. Уларга фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мен шу совхозда икки йил партком секретари бўлдим. 1954 йилда келганман. Газета ишида 12 йил ишлаганман. Партия топшириғи билан турли вазифаларда ишладим. 1941 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер, меҳнат ветераниман.

Салом билан Жўра ТУРСУНОВ».

* * *

Руцкий номли совхоз марказида, идора ёнгинасидаги мармар бюстда шундай ёзув бор: **«Усмон ЮСУПОВ. 1955—1962 йиллар».**

Ҳа, шу йиллар давомида Усмон Юсупов совхозга директорлик қилган.

Ҳар бир авлод ўзидан бир нарса қолдиради. Усмон Юсуповлар авлоди бизга қийинчиликни мардонавор енгиб ўтишдек олийжаноб фазилатларни мерос қилиб қолдирган. Бу авлод Улуғ Ватан уруши азоб-уқубатларини бошидан кечирди. Мирзачўл ҳақида гап борадиган бўлса, чўлни ўзлаштиришнинг мураккаб ва қийин жараёнлари шу авлод қисматига тўғри келди.

## ҲАЁТ КЎРКИ

1960 йилнинг айни йиғим-терим палласи эди. Райҳоной Жалилова қизғин иш билан банд, унинг қалбида бир олам қувонч. Кеча КПСС аъзолигига қабул қилинди. Коммунистлар йиғилишида совхоз директори Усмон Юсуповнинг «Совхозимизда райҳонойлар кўпаяверсин» degани ҳаммага маъқул тушди. У яна шундай деди:

— Болалар — жамиятимизнинг энг имтиёзли табақаси. Шунинг учун ҳамма яхши нарсалар болаларники, деймиз. Чунки улар бизнинг ғояларимиз учун курашадилар. Болаларнинг қалбини пок тутиш ва бойитиш ўқитувчиларга боғлиқ. Ўқитувчи ўзининг маънавий қиёфаси, ички ва ташқи дунёси билан ўқувчига намуна кўрсатиши керак. Бир сўз билан айтганда, муаллим — буюк устоз.

Райҳоной Жалилова ўқувчи қизлар билан ёнма-ён пахта терар экан, Усмон Юсуповнинг кеча айтган ана шу сўзлари қулоғи остида жарангларди: «Ҳа, устоз бўлиш осон эмас».

Бир пайт пахта тераётган болаларнинг «Директор келдилар», «Ота келдилар» деган қий-чувлари ҳаммаёқни тутиб кетди. «Газик» хирмон олдига келиб тўхтади. Ундан Юсупов тушди. Бригадир ва табелчи билан алланималар ҳақида гаплашиб, сўнг теримчилар томон юрди.

— Ҳорманглар, қизлар!

— Бор бўлинг, отажон.

— Қалайсизлар?

— Яхшимиз, — дейишди қизлар.

Усмон Юсупов қўл соатига қараб деди:

— Ие, тушлик ҳам бўлиб қолибди-ку. Хўш, ўзларинг ёпган тандирнонлар борми? Бўлса олинглар, бирга еймиз. Қани, Райҳоной, келинг, қизларимиз ҳозир бизни меҳмон қилишади.

Қизлар чувиллашиб, камзул, рўмол, тугунлари қўйилган марза тарафга югуришди. Дастурхон ёйилиб, нон, мева-чева, тухум, асал — ким нима топса олиб келган — ҳаммаси қўйилди.

— Усмон ота, — дея ҳикоя қилади Райҳоной Жалилова, — пахта тераётган мактаб ўқувчилари ҳузурига тез-тез келиб турардилар. Гоҳо афсусланиб қўярдилар болаларнинг ишига қараб. Ота жуда меҳрибон, ширинсухан эдилар. Мактабга ҳам кирардилар, ҳолимиздан хабар олардилар. У киши келган кун байрам бўлиб кетарди.

1957 йилнинг июль ойида ота битирувчиларнинг хайрлашув кечасига таклиф этилдилар. Чўлқуварлар билан дийдор кўришиш, уларнинг заҳматли меҳнати, ҳаёти, орзу-умидлари билан яқиндан танишиш учун келган машҳур ғазалчи шоир Ҳабибий ҳам Усмон Юсупов билан бирга мактабга ташриф буюрди.

— Шоир Ҳабибийни биласизларми, болалар? — деб ўқувчиларга мурожаат қилди ота.

— Биламиз! Нега билмас эканмиз? — деб жавоб беришди талабалар.

Шунда Усмон Юсупов:

— Бўлмасам, ҳозир сўз Ҳабибийга, — деди.

Шоир Ҳабибий ўрнидан турди ва минбарга яқинлашди. Унинг қўлида на дафтар, на китоб бор эди. Ёши улуғроқ бўлса ҳам спортчидай ихчам гавдали, чаққон Ҳабибий ўқувчиларга ҳурмат бажо келтириб, икки қўли кўксида, минбарга босиқлик билан чиқиб, шеър ўқий бошлади. Шеърият маросими тугади. Қарсаклар садоси янгради. Усмон Юсупов болаларга жилмайиб қараганича ўрнидан турди. Унинг хаёли ўтмиш сари парвоз этганди...

Турғун ЖАМОЛОВ.

* Қисқартириб босилди.

